

Кулматов А.А. –
Мирзо Улуғбек номидаги
Ўзбекистон Миллий
Университети, доцент

ИНВЕСТИЦИЯЛАР БОЗОРИДА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Бугунги кунда мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатида тадбиркорликни ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда замонавий, юксак технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришларни ташкил этишни тезлаштириш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Албатта, бу мақсадларга эришишда тадбиркорларнинг хусусий инвестициялари муҳим ўрин тутмоқда. Инвестиция фондлари ўз фаолиятларида қонун уларга юклайдиган қатор мажбуриятларни бажаришлари зарур. Хусусан, инвестиция фондлари барча пул маблағлари ва қимматли қоғозларни депозитарийларда, одатда, тижорат банкида сақлаш мажбуриятини олиб, шу орқали фонд фаолиятини назорат қилиш имкониятига эга бўлади.

Бундан ташқари, бугунги кунда тадбиркорлик фаолиятининг тури ва шакллари, соҳа ва тармоқлари тобора кенгайиб бормоқда. Ўзбекистонда “Кичик бизнес ва тадбиркорликни кенгайтириш учун бизнеснинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида оилавий бизнесни қонунан белгилаб қўйилганлиги”¹ миллий анъаналаримизга тўла мос келади, иқтисодийнинг турли соҳаларида, хусусан, корхоналарни модернизациялашда унинг жадал ва самарали ривожланишига етарли даражада шароит туғилади. Ана шундай иқтисодийни модернизациялаш, техник қайта жиҳозлаш тадбирлари амалга ошириляётган, инвестиция ресурсларига бўлган эҳтиёж ошиб бораётган даврда бу муаммо-

ларни инвестициялаш соҳасида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш орқали ҳал этиш долзарб аҳамият касб этади.

Хорижий валюта каби инвестициялар ҳам ишбилармонлик муносабатларининг воқитаси ҳисобланади. Инвестицион хизматлар бозоридаги бизнес (инвестицион бизнес) деганда, тадбиркорлик фаолияти ташкилий шакллари ва янги йўналишларини яратиш ҳамда мавжудларини кенгайтириш ва ривожлантириш мақсадида молиявий ресурслар бизнеси субъектларидан фойдаланиш жараёнида шаклландиган ишбилармонлик муносабатларининг мажмуи тушунилади. “Инвестиция” тушунчаси (инглизчадан “investment”) молиявий ресурслар ёки капитал қўйилмаларни англатади. Капитал қўйилмалар фақат тадбиркорлик бизнесининг турли соҳаларидагина амал қилиши мумкин бўлиб, инвестиция фаолиятининг

¹ Каримов И. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси Т.: “Ўзбекистон”, 2010, 49-бет.

ўзи тадбиркорлик тури сифатида чиқиши мумкин. Демак, инвестиция соҳасида амал қиладиган бизнеснинг барча субъектлари эса тадбиркорлар ҳисобланадилар.

Одатда инвестицион тадбиркорлик фаолиятининг икки тури фарқланади: реал (моддий) инвестициялаш ва молиявий инвестициялаш.

Молиявий ресурсларни моддий объектларга инвестициялаш ёки тадбиркорлик фаолияти воситалари (янги бинолар, иншоотлар, ускуна, техника, ходимлар, интеллектуал мулк объектлари, ахборотлар) реал инвестициялаш ҳисобланади. Реал инвестициялашнинг асосий мақсади у ёки бу бизнес субъектининг бозорда қатнашиши кўламларини кенгайтириш, тадбиркорлик фирмаси рақобатдаги устунликлари сони ва кўламларини ошириш, фирма томонидан ўзининг тармоқ ёки маҳаллий бозорга таъсирини кенгайтириш кабилардир. Келтирилган ва бошқа мақсадларга эришган ҳолда тадбиркорлик фирмаси ўзининг ишбилармонлик манфаатларини рўёбга чиқаради.

Молиявий инвестициялаш деганда қимматбаҳо қоғозларга молиявий ресурс қўйилмалари тушунилади. У ёки бу бизнес субъектининг тадбиркорлик фирмалари устав капиталида қатнашиш кўламларини кенгайтириш ёки бу фирмалар фаолиятини ушлаб туриш, ташкил қилиш ва фаолият технологияларига ҳамда уларнинг хулқ-атвор (вазиятли), тезкор (тактик) ва стратегик тузилишига таъсир кўрсатиш молиявий инвестициялаш мақсади сифатида чиқади. Молиявий инвестициялаш билан шуғулланадиган бизнес субъектларининг ишбилармонлик манфаатлари қимматли қоғозлар хариди ёки сотуви вазиятидагина муваффақиятли амалга оширилади. Бу эса инвестиция объекти фаолиятига билвосита боғлиқдир холос.

Ҳар қандай тадбиркорлик фирмасининг инвестиция фаолияти ҳеч қачон хусусий молиявий ресурсларни қўллаш билан чекланмайди. Қарз капиталини жалб қилиш учун фирма одатда икки турдаги саъйи-ҳаракатларни қабул қилишга уринади. У қарздор сифатида ўз харажатларини бан-

қлар томонидан амалга ошириладиган инвестицион кредитлашга мурожаат қилиши мумкин. Фирма бундан ташқари, қимматли қоғозлар эмиссиясини ташкил этган ҳолда ташқаридан молиявий-инвестицион ресурсларни жалб қилиши мумкин.

Молиявий инвестициялаш соҳасига ихтисослашган тадбиркорлик фирмалари доимо бошқа бизнес субъектлари билан бевосита муносабатларга киришадилар. Инвестицион бизнеснинг икки асосий субъект гуруҳлари фарқланади.

Муомалага қимматли қоғозларни чиқарадиган ва ўз номидан уларнинг барча реал эгалари олдида мажбуриятларга эга бўлган тадбиркорлик фирмалари ёки давлат бошқаруви органлари (Марказий банк, Молия вазирлиги, Давлат мулк қўмитаси ва б.) қимматли қоғозлар эмитентлари ҳисобланадилар.

Акционерлик жамиятининг дастлабки устав капитали ҳажмларини оширишда, тадбиркорлик фирмалари ёки қарз молиявий ресурсларни бошқариш давлат органлари томонидан облигациялар, сертификат ёки қарз қимматли қоғозларнинг бошқа турларини чиқариш ҳамда акционерлик жамиятлари муассасасида қўшимча акция чиқариш йўли билан маблағларни жалб қилиш орқали одатда қимматли қоғозлар эмиссияси амалга оширилади.

Ўзининг функционал ролига кўра, эмитацияланадиган қимматли қоғозлар улушбай ва қарз қимматли қоғозларга бўлинади. Улушбай қимматли қоғозлар қандайдир мол-мулк ёки молиявий ресурсларга, ёки бошқа мулк объектларидаги маълум улушга бизнес субъектининг ҳуқуқи тўғрисидаги ҳужжатли гувоҳ бўлиб хизмат қилади.

Акция деганда, акционерлик жамиятлари томонидан чиқариладиган ва эгасининг (ушлаб турувчи) у ёки бу акционерлик жамияти устав капиталидаги ҳиссасини кўрсатадиган улушбай қимматли қоғоз тушунилади. Инвестицион мақсадларидан келиб чиқиб, акционерлик иши амалиёти кўплаб акция турларини ишлаб чиқди. Аммо уларнинг барча турлари корпорация томонидан

ўзининг тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш учун қимматли қоғоз чиқариш билан боғлиқ бўлди.

Акциялардан фарқли ўлароқ, облигациялар – бу қарз мажбурияти бўлиб, уларга мувофиқ қарздор маълум муддат ўтгандан кейин кредиторга маълум сумма тўлашини ва йиллик даромадидан қайд қилинган ёки сузувчан фоиз кўринишидаги тўловни кафолатлайди.

Сертификатлар (депозит ва жамғарма) – бу тижорат банклари томонидан бериладиган, мижозларга депозитни қайтариш ҳуқуқидан далолат берадиган, маблағ киритганлик тўғрисидаги ёзма гувоҳномадир. Сертификатлар қарз қимматли қоғозлар гуруҳига киритилиши мумкин. Чунки ўз моҳиятига кўра, улар тижорат банкининг ўз мижозига қарзи тўғрисидаги гувоҳномани ўзида мужассамлаштиради.

Қарз қимматли қоғозлар қаторига яна векселни ҳам киритиш мумкин.

Эмитентлар одатда қимматли қоғозлар чиқаришнинг икки шаклидан фойдаланишади – нақд ва нақд бўлмаган. Нақд эмиссия қимматли қоғозларни полиграфик тайёрлаш, жисмоний намунасини рўйхатга олиш ва уларни олди-сотди қилиш натижасида қимматли қоғозларга мулкчилик ҳуқуқини “қўлдан-қўлга” ўтказишдан иборат.

Нақд бўлмаган эмиссия қимматли қоғозлар чиқарилганлиги тўғрисидаги бухгалтерия ёзувларини махсус реестрларда амалга оширишдан иборат. Эмиссиянинг мазкур шаклида қимматли қоғозлар масофали амал қилади, уларнинг мавжудлиги маълум. Улардан бизнес субъектларининг фирма устав капиталида қатнашиш улушини аниқлаш учун асос сифатида фойдаланилади, улар бўйича фоизлар ва дивидендлар ҳисобланади, аммо уларни қўлга олиб, ушлаб ёки кўриб бўлмайди. Бундай шакл кўпинча ёпиқ акционерлик жамиятларини таъсис этишда қўлланилади ва муҳим хусусиятга эга, яъни у қимматли қоғозларни қалбакиликдан энг замонавий полиграфик технологияларга қараганда, ишончлироқ ҳимоялайди.

Ўз номидан ва ўз ҳисобидан қимматли қоғозларга эга бўлган жисмоний ва юридик шахслар инвесторлар деб аталади. Қимматли қоғозларни харид қилишда қатнашадиган жисмоний шахслар – якка инвесторлар, юридик шахслар эса – институционал инвесторлар деб номланадилар. Қимматли қоғозларни харид қилган ҳолда улар қимматли қоғозлар харидорлари билан битим тузишга киришиб, айнан қандай мақсадларда бошқарилишидан қатъий назар, автоматик равишда тадбиркорлик бизнеси субъекти бўлиб қоладилар.

Инвесторлар одатда, қимматли қоғозлар ва ҳақиқий қарз суммаси ўртасидаги тафовут ҳисобига даромад олиш ҳамда қарз фозизига эга бўлишни кўзлаган ҳолда қарз қимматли қоғозларини қўлга киритадилар. Қарз қимматли қоғозлар одатда инвесторни тадбиркорлик фирмаси эгалари таркибига киритиш ёки унинг фирма устав капиталидаги улушини кўпайтириш мақсадида қўлга киритилади. Улушбай қимматли қоғозларни қўлга киритиш шаклидаги инвестициялаш тўғридан-тўғри ёки портфел кўринишида бўлиши мумкин.

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда икки турдаги институционал инвесторларнинг фаолиятини аниқлаш қийин эмас. Бу инвестор-маблағ қўювчилар ва инвестор воситачилардир (ёки инвестицион воситачилар). Улар ўртасидаги фарқ қуйидагилардан иборат: маблағ қўювчи-инвесторлар молиявий ресурсларини турли ишбилармонлик лойиҳаларига бевосита инвестициялаш шаклида тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадилар. Инвестицион воситачилар эса ишбилармонлик муносабатларини ўрнатиш ва сақлаб туриш учун эмитентлар ва маблағ қўювчи-инвесторларга ёрдам берадилар.

Инвестицион воситачилик ҳам уч асосий шаклларда амалга оширилади – инвестицион товарлар (фонд) савдоси, яъни қимматли қоғозлар савдоси шаклида инвестицион маслаҳатлар шаклида ва жамоавий инвестициялаш муассасаси сифатидаги эмиссион-инвестицион фаолият шаклида. Бу шаклларга мувофиқ инвестицион воситачилик биз-

нес субъектлари инвестицион коммерсантлар, инвестицион маслаҳатчилар ва жамоавий институционал инвесторлар, деб аталдилар.

Жамоавий институционал инвесторлар қаторига инвестицион бизнеснинг инвестиция фондлари, инвестиция компаниялари, холдинг компаниялар, нодавлат пенсия фондлари, инвестиция банклари, суғурта жамиятлари каби субъектларини киритиш мумкин. Инвестицион бизнеснинг барча келтирилган субъектлари акционерлик жамиятлари шаклида амал қилади. Шу сабабли уларнинг асосий тадбиркорлик фаолиятлари ё хусусий акцияларни чиқариш йўли билан бошқа инвесторларнинг молиявий маблағларини жалб қилиш, ёки хусусий акционерлик капитални кафолати остида бошқаларнинг ресурсларини жалб қилишга асосланади.

Жамоавий институционал инвесторлар туркумига кирувчи “оилавий бизнес” вакиллари билан бири холдинг компаниялар бўлиб, уларнинг “оила” га киришига сабаб, мазкур компаниялар одатда айнан қимматли қоғозлар эмиссияси ва уларни инвестициялаш жараёнида воситачилик қилишга ихтисослашган. Холдинг компаниялар фаолиятининг мазмуни шўба тадбиркорлик фирмаларини бошқаришдан иборат. Шаклига кўра, холдинг бизнеси бир томондан, акциялар эмиссия қилиш орқали бошқаларнинг молиявий маблағларини жалб қилишни, бошқа томондан эса, шўба компаниялар устав капиталда шу тариқа айланадиган молиявий ресурсларни жойлаштиришни ўзида мужассамлаштиради.

Инвестиция банклари тижорат банкларининг ихтисослашган тури ҳисобланади. Банк бизнесининг бошқа субъектларидан фарқ қилиб, инвестиция банклари:

- акциялар эмиссиясини амалга оширадилар;
- тадбиркорлик бизнеси бошқа субъектларининг таъсисчилари сифатида чиқиб, ўзларининг инвестицион-таъсисчилик портфелини шакллантирадилар;
- хусусий ва қарз молиявий ресурсларни ҳар хил усулларда жойлаштириш ёрда-

мида турли инвестиция лойиҳаларида фаол қатнашадилар;

- ўз мижозларига инвестиция фаолиятининг турли масалалари бўйича, жумладан, инвестиция лойиҳаларининг техник-иқтисодий асосини тузиш ва инвестиция дастурларини ишлаб чиқишда маслаҳатлар беради.

Баён қилинган “оила” бошқа вакиллари билан фарқ қилиб, инвестиция банклари инвестицион фаолиятдаги ўзининг иштирокига зарурий банк ихтисослашувини бериш имкониятига эга. Улар мисол учун, қимматли қоғозлар билан барча операциялар бўйича ҳисоб-китобларни олиб боришлари, депозитар вазифаларни амалга оширишлари, қимматли қоғозлар билан кредитлар беришлари мумкин.

Банкларнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш мақсадида банклар томонидан узоқ муддатли облигация ва депозит сертификатларининг муомалага чиқарилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 2011 йилда тижорат банклари томонидан 204 миллиард сўмлик узоқ муддатли облигациялар инвесторлар ўртасида жойлаштирилган бўлса, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида жойлаштирилган банк депозит сертификатлари ҳажми 427 миллиард сўмни ташкил қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида” ги 2010 йил. 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли Қарорида ҳам тижорат банкларининг депозит сиёсати билан боғлиқ алоҳида вазифалар белгиланган.

Бозор иқтисодиёти ривожланган кўпгина мамлакатларда суғурта компаниялари жамоавий инвестициялаш йирик муассасаларидан бири сифатида чиқади. Бундай компаниялар фаолиятининг мазмуни шундан иборатки, суғурта бадаллари воситасида молиявий ресурслар катта ҳажмларини айлантириш орқали суғурта компанияси бу ресурсларни

жуда турли-туман инвестиция лойиҳаларига турли муддатларга қўйиш имкониятига эга бўлади.

Шу сингари фаолият тамойили нодавлат пенсия фондларини ташкил қилишда ҳам қўлланилмоқда. Унинг суғурта компанияларидан фарқи – бу фонд фақат бадаллардан таркиб топган бўлади. Жисмоний шахсларга тегишли пул маблағлари келишилган муддат ўтиши билан (бадал тўловчиларнинг асосий иш жойи бўйича нафақага чиқиш муддати) пенсия тўловлари суммаси кўринишида фонд кафолати остидаги ихтиёрий қўйилмаларга айланади. Бироқ мазкур муддат ўтгунгача нодавлат пенсия фонди суғурта компаниялари сингари ҳақиқатда жамоавий инвестициялаш институти сифатида амал қилади.

Жамоавий инвестицион бизнеснинг ўзига хос вакили инвестиция фонди ҳисобланади. Инвестиция фонди ихтисослашган молиявий ташкилотни ўзида мужассамлаштириб, унинг фаолияти қимматли қоғозларнинг молиявий инвестициялаш охириги объектига ҳаракатланиши билан боғлиқ бўлади.

Инвестиция фондлари молиявий бозорда фақат икки операцияни бажаради. Дастлаб улар турли-туман инвесторларнинг хусусий акцияларини эмитациялайди, сўнгра эса йиғилган маблағларни бошқа эмитентлар томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар харидига йўналтиради.

Инвестиция фондлари билан бир қаторда, инвестиция компаниялари ҳам бу борада фаолият яритиш мумкин. Улар ўртасидаги тафовут шундаки, инвестиция компаниялари одатда, жисмоний шахсларга тегишли молиявий ресурсларни йиғиш ҳуқуқига эга эмаслар. Бироқ ҳар қандай бизнес субъекти бажарадиган ҳаракатларни номи бўйича эмас, балки мазмунан инвестиция компанияси билан бажариши мумкинлигини кўзда тутиш керак.

Ўзбекистонда Молия вазирлиги махсус лицензиясига эга бўлган ҳар қандай очиқ турдаги акционерлик жамияти инвестиция фонди бўлиши мумкин. Инвестиция фонди ўз фаолиятида қонун унга юклайдиган қатор мажбуриятларни бажариши зарур. Хусусан, ин-

вестиция фондлари барча пул маблағлари ва қимматли қоғозларни депозитарийларда, одатда тижорат банкида сақлаш мажбуриятини олиб, шу орқали фонд фаолиятини назорат қилиш имкониятига эга бўлади.

Инвестиция компанияларини тузиш учун бундай лицензия талаб қилинмайди, инвестиция компанияси фаолияти устидан ташқаридан назорат эса кўзда тутилмаган.

Ҳозирги вақтда бутун дунёда пай инвестиция фондлари – инвестиция фондларининг тури сифатида кенг тарқалган бўлиб, уларнинг капитали турли инвесторларга тегишли, бир-биридан чекланган пайлардан иборатдир. Бу пайлар бевосита инвесторларнинг талабларига кўра, ҳар ҳафтада сотилиши ва сотиб олиниши мумкин. Инвестицион пай ўз эгасига фондни бошқариш ҳуқуқини бермайди. Инвестицион пай эгаси пайни сотиш нархи ва олиш нархи орасидаги фарқ кўринишида даромад олади.

Тадбиркорлик молиявий бизнес мустақил субъектлари ҳисобланган жамоавий инвестициялаш муассасаларидан фарқ қилиб, инвестицион маслаҳатчилар молия бозорида сервис вазифалар мажмуини бошқа инвестиция соҳасида ишлайдиган тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш орқалигина бажарадилар.

Инвестицион маслаҳатчилар томонидан амалга ошириладиган сервис вазифаларининг тўрт гуруҳи ажратилади. Биринчиси якка ва корпоратив қимматли қоғозлар портфелини (инвестицион портфеллар) шакллантириш воситасида инвестиция ресурсларини мижозлар ихтиёрига жалб қилиш бўйича инвестицион маслаҳатчилар фаолиятидан иборат. Бунга "Мижоз портфели"нинг таркиби ва ғоясини шакллантириш, "Мижознинг портфели"га турли қимматли қоғозларни бу қоғозлар бўйича даромад топиш мақсадида турли муддатларга жалб қилиш, янги чиқарилган қимматли қоғозларни уларни кейин қайта сотиш мақсадида (бу операция андеррайтинг, деб аталади) мижознинг ихтиёрига жалб қилиш киради. Кўрсатилган вазифалар гуруҳига бундан ташқари, инвестицияларни тадбиркорлик бизнеси субъектлари

фаолиятига жалб қилиш дастурларини ишлаб чиқиш, инвестиция ресурсларини жалб қилиш усул ва воситаларини, шу жумладан, тадбиркорлик бизнеси субъекти фаолиятини ислоҳ қилиш ва унинг қарзларини реструктуризациялаш жараёнида танлаш кабилар кирди.

Инвестицион маслаҳатчилар томонидан бажариладиган сервис вазифаларнинг иккинчи гуруҳи тадбиркорлик бизнеси якка ва институционал субъектларининг инвестицион ресурсларини ташқи жойлаштириш бўйича инвестицион маслаҳатчилар фаолиятдан иборат. У мижознинг инвестиция ресурсларини жойлаштириш дастурини ишлаб чиқиш, инвестиция ресурсларини жойлаштириш усул ва воситаларини танлаш, қимматбаҳо қоғозлар эмиссияси режасини тузиш, эмитацияланадиган қимматли қоғозлар бўйича даромадлилик даражасини асослаш, қимматли қоғозлар савдоси битимлари бўйича энг яхши шерикларни танлашни ўз ичига олади.

Инвестицион воситачилар томонидан бажариладиган сервис вазифаларнинг учинчи гуруҳи уларнинг хатти-ҳаракатларини мувофиқлаштириш бўйича мижозларга кўрсатиладиган хизматлардан иборат. Бу вазифалар қаторига инвестицион маслаҳатчига мижоз томонидан траст шартнома асосида берилган қимматли қоғозларни бошқариш кирди.

Ва ниҳоят, инвестицион маслаҳатчилар томонидан бажариладиган сервис вазифаларнинг тўртинчи гуруҳи инвестиция бозорининг ҳолатини таҳлил қилиш, прогнозлаш ва моделлаштиришдан ҳамда бу бозорларда бизнес субъектларининг фаолиятига нисбатан соф маслаҳат хизматлари кўрсатишдан иборат.

Ҳозир Ўзбекистонда фаолият юритаётган банкларнинг барча филиалларида тадбиркорларга яқиндан маслаҳатлар бериш бўйича "Тадбиркорлар хонаси" ташкил этилди. Шунингдек, филиаллар ва минибанкларда ташкил этилган "Тадбиркорлар бурчаги" орқали республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш

борасида яратилган шарт-шароитлар, имкониятлар, таклиф этилаётган янги банк хизматлари тўғрисида доимий равишда ахборот бериб борилиши йўлга қўйилди.

Ўзбекистон банклари ассоциацияси ҳузурида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида инвестицион лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштиришга ихтисослаштирилган жамғарма ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит беришни кўпайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2011 йил 11 мартда имзоланган ПҚ-1501-сонли Қарори, "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2011 йил 24 августда чиқарилган ПФ-4354 сонли Фармони ва бошқа бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун турли имтиёз ва қулайликлар берилди, имтиёзли кредитлаш тизими соддалаштирилди. Олиб борилган салмоқли ишлар натижасида 2011 йилда тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми 2010 йилга нисбатан қарийиб 1,5 баробар ошиб, 4.0 трлн. сўмни ташкил этди.¹

Иқтисодиётнинг макроиқтисодий барқарорлашувида жиддий ўзгаришларнинг мавжудлиги, бюджет тақчиллигининг мавжуд эмаслиги давлатнинг қимматли қоғозлар ички бозорида йирик қарзларни олиш эҳтиёжини йўқотди. Юқори ликвид ва даромадли давлат ишонарли қарз воситалари бозорининг қисқариб бориши билан инвесторлар корпоратив қимматли қоғозлар бозорига эътибор беришга мажбур бўлдилар. Мамлакат компанияларида молиявий ресурсларни ҳаракатлантириш механизми сифатида инвестиция бозоридан фойдаланишга имконият вужудга келди. Бугунги кунда Тошкент РФБда "Ўзнефтьгазқазибчиқариш" АЖ, "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ, "Пахтабанк"

АТБ, "Ғаллабанк" АТБ, "Чирчиқ трансформатор заводи" ОАЖ лари фаол қатнашмоқдалар. Бироқ республика корхоналари фақатгина ўз маблағларига таяниб, инвестиция бозорларидаги йирик лойиҳаларда қатнаша олмайдилар. Инвестиция бозорларида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг йирик манбаларидан бири – қимматли қоғозлар воситалари ёрдамида хорижий ин-

весторларнинг маблағларидан ҳам самарали фойдаланилмоқда. Бу эса миллий тадбиркорларимизнинг инвестицион фаолиятини фаоллаштириш, уларнинг капиталини мустаҳкамлаш, уларда корпоратив маданиятни шакллантириш ҳамда мамлакат инновацион ривожланишидаги иштироки ва ролини ошириш имконини беради.

Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси Т.: "Ўзбекистон" 2010. 56 бет.
2. Каримов И.А 2012 йил – ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. –Т.: "Ўзбекистон", 2012. 36 бет.
3. Основы бизнеса. - 5-е изд., перераб. и доп. Учебник для студ. высш. уч. завед. –М.: «Маркет ДС», 2003.-784 с.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида" ги 2010 й. 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит беришни кўпайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2011 йил 11 мартдаги ПҚ 1501-сонли Қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2011 йил 24 августдаги ПФ-4354 сонли Фармони.

1 Каримов И.А 2012 йил – ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. –Т.: "Ўзбекистон", 2012. 7-бет.